2016 ЙИЛ 19 МАЙ, ПАЙШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 102 (13.165)

Баҳоси эркин нархда

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 18 май куни Оқсаройда Болгария Республикаси Бош вазири Бойко Борисовни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, Болгария Бош вазирининг Ўзбекистонга илк ташрифи ўзаро муносабатларда муҳим воқеа бўлиб, мамлакатларимиз ўртасидаги манфаатли ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишда яхши имконият эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Болгарияни анъанавий ва ишончли иқтисодий ҳамкор деб билади, ўзбек ва болгар халқлари узоқ йиллик дўстлик алоқаларига эга.

Учрашувда иқтисодий ҳамкорликнинг кенг кўламли масалалари – саноат, транспорт коммуникациялари, туризм, шунингдек, замонавий қўшма саноат корхоналарини ташкил қилишнинг истиқболли йўналишлари муҳокама қилинди.

Томонлар Болгария Бош вазири ташрифи доирасида 18 май куни "Ангрен" махсус индустриал зонасида юқори технологияли янги "УзПристаойл" қўшма корхонасининг очилиши ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг ёрқин мисоли бўлганини қайд этдилар. "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси ва Болгариянинг "Приста Ойл" компанияси томонидан таъсис этилган мазкур корхона синтетик ва ярим синтетик мотор мойларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашга ихтисослаштирилган.

Б.Борисов янги корхонанинг экспорт салоҳияти юқори эканини, Ўзбекистонда ташкил этилган "Навоий" ва "Ангрен" махсус иқтисодий ва индустриал зоналарда хорижий сармоядорларнинг муваффақиятли фаолияти учун қулай шароит яратилгани, бу янги инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш учун кенг имкониятлар эканини таъкидлади. Бу Болгария компанияларига Марказий, Жанубий ва Шарқий Осиё мамлакатлари бозорларига чиқиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Болгарияда олиб борилаётган ва асосий йўналишлари иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, инвестицияларни кенгайтириш, тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш бўлган иқтисодий сиёсатни қўллаб-қувватлашини таъкидлади.

Болгария Бош вазири Ўзбекистонда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар стратегияси натижасида туб иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришларга эришилганини юқори баҳолади. Бугунги ислоҳотлар ва таркибий ўзгаришлар Ўзбекистоннинг янада тараққий этишида муҳим омил бўлаётганини қайд этди.

Томонлар ўзаро савдо алоқаларини янада кенгайтириш учун катта имкониятлар мавжудлигини таъкидлади. Ўзбекистон Болгария бозорига кенг турдаги саноат маҳсулотлари экспорт қилиш ва ушбу мамлакатдан юқори технологияли товар ва ускуналар импорт қилишдан манфаатдор.

Учрашувда Ўзбекистон билан Болгария ўртасида савдо-иқтисодий ва инвестиция соҳаларидаги истиқболли янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш учун ишбилармон доиралар делегациялари алмашиш бўйича келишиб олинди.

Б.Борисов Президентимизга самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Болгария Ўзбекистон билан кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

ЎзА.



Ислом Исмоилов олган сурат

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий соҳада ва бошқа жабҳаларда эришган муваффақиятлари дунёда ўзининг кенг эътирофини топаётгани баробарида, хорижий давлатлар ҳукумат, илмий-академик ҳамда ишбилармон доираларининг эътиборли вакиллари томонидан диққат билан ўрганилмоқда.

"ЎЗБЕКИСТОН ЎЗ ЙЎЛИДАН БОРИШ ВА БОШҚА МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИДАН НУСХА КЎЧИРМАСЛИК ҚАРОРИДА ҚАТЪИЙДИР"

Масалан, **Европарламентнинг Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлик бўйича делегацияси раиси Ивета Григуле** Ўзбекистон ўзининг 25 йиллик ривожланиш йўлини қай тарика ва қандай мерос билан бошлаганидан хабардор эканлигини маълум қилар экан, юртимиз истиқлол йилларида улкан ютуқларни қўлга киритишга муяссар бўлганини айтди. "Бугун Ўзбекистон барча соҳада изчил ўсувчан ривожланишни намоён қилаётгани ҳолда, гуллаб-яшнаётган давлатга айландики, у ўз фуқароларининг хавфсизлиги таъминланиши, моддий фаровонлиги ҳамда ижтимоий ҳимояси ошиши, турли хизматлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши масалаларига катта аҳамият қаратмоқда", деди Европарламент аъзоси.

Мамлакат ҳукумати томонидан 2016 йилга белгиланган мақсадлар, И. Григуленинг фикрича, ижобий баҳога лойиқдир. Хусусан, у бизнес соҳасида қонунчилик асоси янада такомиллаштирилиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун шароитларнинг оширилишига алоҳида эътибор қаратар экан, бу омиллар миллий иқтисодиётнинг турли жабҳаларига чет эл сармоялари жалб этилиши ҳажмини кўпайтиришга хизмат қилишини билдирди.

Сўнгги йиллар давомида Ўзбекистон томонидан рўёбга чиқарилган ишлар кўламини назарда тутган ҳолда, Европарламент депутати республикамиз бир неча йиллар давомида ялпи ички маҳсулот ўсишининг юқори суръатларини намойиш этиб, барқарор иқтисодий тараққиётни таъминлаётгани дунёнинг иқтисодиёти тез ривожланаётган беш мамлакати қаторидан жой олишга имкон берганини табиий ҳол, деб ҳисоблайди.

"Ҳар қандай мамлакат фаровонлиги, иқтисодиёти ва тараққиётининг асосини ўқимишли одамлар ташкил этади. Давлат ҳамда жамиятнинг барқарор ривожланиши мутахассислар маълумоти ва билими даражасининг ошиши билан боғлиқдир. Шубҳа йўққи, таълим масаласи дунёнинг энг тараққий топган давлатлари қаторидан жой олишга интилаётган Ўзбекистонда энг устувор йўналишлардан бири ҳисобланади", деди у.

И. Григуленинг айтишича, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида саноат ишлаб чиқаришини кўпайтириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ассортиментини кенгайтириш ҳисобига иқтисодиётни янада диверсификациялаш зарур эканлигини тасдиқлайдиган қатор ишончли далилларни келтирди.

"Буларнинг барчаси муҳим вазифалар мажмуига киради, улар жорий йилда ҳаётга татбиқ этилиши керак. Кейинги 25 йил мобайнидаги миллий ривожланиш ва ўсиш йўли олдинга қўйилган барча мақсад ҳамда вазифаларга эришилишига ишонч бағишлайди", дея баён қилди у.

Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси Кэролин Лэмм Ўзбекистон ҳукуматининг бизнес юритиш учун шароитларни соддалаштириш ва енгиллаштириш бўйича саъй-ҳаракатларига юқори баҳо берди. Унинг сўзларига қараганда, республиканинг ҳар йиллик иқтисодий кўрсаткичлари ҳамда мамлакат иқтисодиётига жалб этилаётган хорижий сармояларнинг ҳажми эътиборга сазовордир. "Мўлжалланган сармоявий лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилишида АҚШ компаниялари Ўзбекистоннинг асосий сармоявий ҳамда савдо шериклари бўлишига умид қиламиз", деди у.

К. Лэмм жаҳон иқтисодиётида молиявий-иқтисодий инқироз ҳамон давом этаётганига қарамасдан, Ўзбекистонда ўсувчан тараққиёт кузатилаётганини, саноатни янада модернизациялаш ҳамда юқори қўшимча қийматли товарлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган мажмуавий ва тизимли чоратадбирлар кўрилаётганини алоҳида таъкидлади. У институционал ислоҳотларни амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилингани Америка компаниялари учун янги корхоналар тузиш ҳамда амалдаги ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш учун туртки бўлиб хизмат қилишига ишонч билдирди.

Америка — Ўзбекистон савдо палатаси Ўзбекистондаги ишбилармонлик ва сармоя муҳитига холис баҳо бериши билан АҚШда танилган. Бизнинг палатамиз аъзоларининг кўпчилиги мустақилликнинг биринчи кунларидан буён республикада фаол иш олиб бормоқда. Улар мамлакатда рўй бераётган ўзгаришларнинг, жумладан, бизнес юритиш учун ҳамда хорижий сармоядорлар манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қулай шароитларни яратиш юзасидан олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигининг гувоҳлари ҳисобланишади", деди К. Лэмм.

"Frondita Biogroup Inc." компанияси президенти Арунас Ванагас (АҚШ) қишлоқ хўжалиги ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш масалалари мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг асосий йўналишларидан бири сифатида қолаётганини қайд этди.

"Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги жабҳасини ислоҳ этиш жараёнида уни замонавий, юқори ишлаб чиқариш салоҳиятига эга бўлган, жаҳон талаблари ва андозаларига жавоб берадиган махсус техника ва технологик ускуналар билан жиҳозлашга алоҳида урғу қаратилди. Ўзбекистоннинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги муваффақиятлари БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) томонидан эътироф этилиши республиканинг изчил ривожланаётганини ҳамда қишлоқ хўжалигидаги тизимли ўзгаришларнинг юксак натижали эканлигини тасдиқлайди", деди у.

А. Ванагаснинг фикрига кўра, ер майдонларини оптималлаштириш ишлаб чиқариш ҳажмларини янада изчил ўстириш, фермер хўжаликларининг самарадорлиги ва рентабеллигини таъминлайди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш билан шуғулланадиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш таъми ҳамда сифати юқорилиги билан ажралиб турадиган озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилиш имкониятларини кенгайтиришга кўмаклашади.

"Medtronic" компанияси вице-президенти Тревор Ганн (АҚШ) ўз компанияси Ўзбекистонга минтақадаги муҳим ва истиқболли шерик сифатида қарашини қайд этар экан, мамлакатимиз билан тиббиёт соҳасида узоқ муддатли, стратегик шерикликни ривожлантириш ниятида эканлигини маълум қилди.

(Давоми 2-бетда)

НЕФТЬ-ГАЗ САНОАТИ ИМКОНИЯТЛАРИ НАМОЙИШ ЭТИЛМОҚДА

"Ўзэкспомарказ"да "Ўзбекистон нефть ва гази – OGU-2016" йигирманчи халқаро кўргазмаси очилди.

Мазкур нуфузли форум "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, "ITE Uzbekistan" халқаро кўргазмалар компанияси ва "ITE" компаниялар гуруҳи ҳамкорлигида ташкил этилди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири нефть-газ соҳасини изчил ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётгани таъкидланди.

Нефть-газ саноати мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан биридир. Ўзбекистон газ қазиб олиш бўйича дунёда етакчи мамлакатлар қаторида туради. Мустақиллик йилларида мамлакатимиз газ, полиэтилен ва қайта ишланган нефть маҳсулотларининг йирик экспортчисига айланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 4 мартдаги "2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Фармони иқтисодий тараққиёт, инновацион технологияларни жорий этиш ва жалб қилинаётган инвестициялардан самарали фойдаланиш бўйича муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Нефть-газ ва нефть-кимё саноатида табиий газ ва газ конденсатини қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва уларнинг турини кенгайтириш режалаштирилмоқда. Дастурга мувофиқ "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси томонидан умумий қиймати 15,8 миллиард долларга тенг элликдан ортиқ инвестиция лойиҳасини амалга ошириш назарда тутилган. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қувватларини модернизация ва реконструкция қилиш, "Муборак газни қайта ишлаш заводи" унитар шўъба корхонасида газ-кимё мажмуасини барпо этиш, Устюрт газ-кимё мажмуаси хомашё базасида углеводородлар пиролизи ишлаб чиқарадиган янги заводни қуриш, Ўзбекистон – Хитой газ қувурининг тўртинчи тармоғини барпо этиш, "Ўзбеккимёмаш" заводининг йирик ва оғир нефть-газ-кимё ускуналарини ишлаб чиқарадиган қувватларини кенгайтириш, пластик маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, геология-қидирув ишлари учун юқори технологияли ускуналар харид қилиш каби йирик лойиҳалар шулар жумласидандир.

Ҳар йили ўтказиб келинаётган "Ўзбекистон нефть ва гази – OGU" халқаро кўргазмаси мамлакатимиз нефть-газ саноатининг улкан салоҳиятини намоён этиш баробарида соҳага хориж сармоясини кенг жалб этиш, чет эллик ҳамкорлар билан биргаликда янги истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун қулай замин яратмоқда. Йигирманчи бор ўтказилаётган мазкур халқаро форумда Ўзбекистон, Хитой, АҚШ, Жанубий Корея, Сингапур, Франция, Буюк Британия, Германия, Италия, Чехия, Норвегия, Австрия, Швейцария, Россия, Болгария, Польша, Руминия, Туркия, Қозоғистон, Туркманистон, Озарбайжон, Эрон, Умон, Индонезия, Мальта каби давлатлардан 200 дан ортиқ компания ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан иштирок этмоқда.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Самарқанд шаҳрида Халқаро музейлар кунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Тадбир доирасида "Музей – халқ тарихининг кўзгуси" республика танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Кун якунида уларни табриклаш учун таниқли санъаткорлар, бадиий жамоалар иштирокидаги гала концерт ўтказилиши режалаштирилган.

• Тошкентда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан қатор вазирлик, идоралар билан ҳамкорликда "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурини амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг роли ва ўрни" мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

• Сирдарёда Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб ўтказилган "Ким эдигу ким бўлдик, эртага қандай юксак марраларни эгаллашимиз керак?" мавзуидаги тарғибот тадбирида таниқли ижодкорлар, олимлар, маданият ва санъат намояндалари, ёшлар иштирок этди.

• Фарғонада Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб "Биз – буюк юрт фарзандларимиз!" шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир ёшларнинг ҳақиқий байрамига айланди.

ЖАҲОНДА

• Швейцариянинг жаҳонга машҳур "Swatch" соатсозлик компанияси оқ-қора, қизил ва нимяшил туслардаги янги моделлари коллекциясини намойиш этди. Уларнинг ичида қўлга тақиладиган, чўнтакда олиб юриладиганлари бор. Яна бир моделга эса марҳондан ишлов берилган бўлиб, у ҳам тақинчоқ, ҳам циферблат вазифасини бажаради.

• Кийим-кечаклар чакана савдоси бўйича дунёдаги йирик тармоқлардан бири — "H&M" (Швеция) компаниясининг апрель ойидаги савдолари ҳажми 5 фоиз кўпайди. Ваҳоланки, экспертларнинг бу борадаги прогнози 9 фоиз эди. Мазкур маълумот тарқатилганидан сўнг ушбу бренд акциялари нархи ҳам 1,5 фоиз арзонлашди.

• Жорий йилнинг биринчи чорагида Японияда ялпи ички маҳсулот ҳажми 1,7 фоиз ўсди. Юқоридаги кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан кўпдир. Бундай ижобий натижага эришилишида ҳисобот даврида истеъмол ва давлат харажатлари ҳамда экспорт ҳажми ортгани муҳим омил бўлди. Бироқ охирги учта чоракда илк бор бизнес инвестициялар миқдори 1,4 фоиз қисқарди.

Маҳалла — ҳаётимиз кўзгуси

МУҚОБИЛЛИК АСОСИДА

Сергели туманида 39 та маҳалла бўлиб, шу давргача 20 та маҳаллада фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови ўтказилди.

Сайловга тайёргарлик доирасида уни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи туман комиссияси, ишчи гуруҳлари томонидан аҳоли ўртасида тушунтириш-тарғибот ишлари олиб борилди. Маҳаллаларда яшовчи фаол ва ташаббускор кишилар орасидан фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодлар кўрсатилди. Ҳар бир йўлакдан йиғилишда иштирок этувчи вакиллар рўйхати шакллантирилди.

Жомий маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчиларини сайлашга бағишланган йиғилишда 46 сайловчи иштирок этди. Фуқаролар йиғини раислигига кўрсатилган уч номзодга амалдаги тартиб асосида сўз берилди.

Номзодлар ўз дастур ва мақсадлари билан сайловчиларни таништирдилар, шунингдек, ободонлаштириш, ҳудудда кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, ёшлар бандлигини таъминлаш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлаш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган масалалар ҳақида сўз юритилди ва саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

Очиқ овоз бериш йўли билан ўтказилган сайлов натижаларига кўра Акрам Султонов Жомий маҳалла фуқаролар йиғини раиси этиб сайланди. Маҳалла йиғини раиси маслаҳатчиларига кўрсатилган 26 номзод орасидан 11 нафари маслаҳатчиликка сайлаб олинди.

— Маҳалла ҳаёти ва аҳолининг турмуш тарзи билан танишман. Маҳалладошларим мени раисликка муносиб кўрган экан, иш фаолиятимда уларнинг ишончини оқлашга ҳаракат қиламан, — дейди Жомий маҳалла фуқаролар йиғини раислигига сайланган А. Султонов.

Қ. ЗОКИРОВ

НЕФТЬ-ГАЗ САНОАТИ ИМКОНИЯТЛАРИ НАМОЙИШ ЭТИЛМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

– Компаниямиз нефть-газ ва энергетика соҳалари учун турбогенераторлар ишлаб чиқариш ва ўрнатишга ихтисослашган, – дейди Италиянинг "Turboden" компанияси директори Паоло Бертуззи. – Маҳсулотларимиздан фойдаланиш энергетика самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Юксак суръатлар билан ривожланаётган Ўзбекистон бозори биз учун ғоят қизиқарли. Қатор халқаро молия муассасалари Ўзбекистоннинг нефть-газ ва энергетика соҳаларига сармоя киритиб, ҳамкорликда истиқболли лойиҳаларни амалга ошираётгани мамлакатингиз бу йўналишда катта салоҳиятга эга эканидан далолат беради.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан иқтисодиётни эркинлаштириш, унинг барча соҳаларини, жумладан, нефть-газ тармоғини янада ривожлантиришга хизмат қиладиган қулай сармоявий муҳит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Соҳада янги иншоотларни барпо этиш, мавжудларини замон талаблари асосида реконструкция ҳамда модернизация қилиш ишлари жадал давом этмоқда. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ички бозорда маҳаллий маҳсулотлар улушини кўпайтириш, маҳаллийлаштиришни кенгайтириш, корхоналараро кооперация алоқаларини ривожлантириш учун қулай шароит, имконият ва имтиёзлар яратилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиздаги заводларда нефть қайта ишланиб, бензин, дизель ёнилғиси, мазут, нефть мойлари, битум, авиакеросин каби маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Газни қайта ишлаш мажмуаларида суюлтирилган газ, полиэтилен ва полипропилен ишлаб чиқариш ҳажми тобора ошмоқда. Мазкур маҳсулотлар хорижий давлатларга экспорт қилинмоқда.

– Ҳар йилгидек бу галги кўргазма ҳам муҳим воқеаларга бой, – дейди "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси ҳузуридаги "NefteGazInvest" компанияси директори ўринбосари Ҳусниддин Тўраев. – Сўнгги йилларда Ўзбекистон нефть-газ саноатида чет эллик ҳамкорлар билан кўплаб йирик лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Бу нафақат соҳа ривожига, балки мамлакатимиз иқтисодиётининг янада тараққий этишига салмоқли ҳисса қўшмоқда. Ушбу халқаро кўргазма доирасида ёш олимлар анжуманини ҳам ўтказиш режалаштирилмоқда. Мамлакатимиз ва хорижий давлатларнинг қатор олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва талабалари иштирок этадиган мазкур тадбир ёш олимлар ўртасида нефть ва газ саноатида эришилаётган ютуқлар ва янги инновацион лойиҳалар хусусида ўзаро фикр алмашиш ва бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш имконини беради.

"OGU-2016" кўргазмаси мутахассисларга нефть ва газ қазиб олиш, углеводородларни ташиш, қайта ишлаш борасида миллий ва хорижий компаниялар эришган энг сўнгги ютуқлар билан яқиндан танишиш, ҳамда истиқболли лойиҳаларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Кўргазма павильонларидан нефть ва газ қазиб олиш, қайта ишлашни жадаллаштириш имконини берадиган замонавий технологиялар жой олган. Жаҳоннинг етакчи нефть-газ компаниялари нефть ва газни ташиш технологиялари, нефть-газ конларини қидириш ва ўзлаштириш, геодинамика, геофизика ҳамда углеводород салоҳиятига оид ишланмалар бўйича ўзлари эришган энг сўнгги ютуқларни намойиш этмоқда.

Халқаро кўргазмада нефть ва газ қазиб олиш (технологиялар ва ускуналар), нефть ва газ қудуқлари: қуриш ва фойдаланиш, нефть ва газни қайта ишлаш, сақлаш ва ташиш, нефть кимёси, нефть маҳсулотлари ишлаб чиқариш, нефть ва газ саноати иншоотларини лойиҳалаштириш ва барпо этиш, геология, геофизика, сейсмик ускуналар ва хизматлар, қувурлар, газ турбиналари, ихтисослаштирилган материаллар ва ускуналар, назорат-ўлчов асбоблари, техника хавфсизлиги ҳамда ёнғинидан ҳимоя, экологик хавфсизлик, муқобил энергетика, саноат автоматизацияси, хизматлар, алоқа ва телекоммуникациялар каби бўлимлар ишлаб турибди.

– Компаниямиз нефть-газ саноати тармоқлари учун илғор технологиялар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш билан шуғулланади, – дейди Хитойнинг "Karamay Xinkeao Petrolium Technological" компанияси директори ўринбосари Шао Ю. – Нефть-газ саноати соҳасидаги муҳим тадбир ҳисобланган ушбу кўргазма ўзбекистонлик шериклар билан ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатиш имконини бераётганидан ғоят мамнунмиз. Ўзбекистонда самарали фаолият юритиш учун барча қулайлик ва имкониятлар мавжуд. Шу боис компаниямиз мамлакатингиздаги турдош корхоналар билан ҳамкорликни юксак қадрлайди.

"OGU-2016" кўргазмаси доирасида "Uz-Prista Recycling" Ўзбекистон – Болгария қўшма корхонасининг очилиш маросими ҳам бўлиб ўтди. "Ангрен" махсус индустриал зонасида барпо этилган мазкур корхона мотор, тишли ғилдирак ва редукторлар учун мойлар, гидравлика суюқликлари ва битум ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Завод йилига 43 минг тонна ишлатилган техник мойни қайта ишлаш орқали 30 минг тоннагача мой ишлаб чиқариш қувватига эга. Маҳсулотнинг қарийб 40 фоизи экспортга мўлжалланмоқда.

Нефть-газ форуми доирасида "Ўзбекистон нефть-газ тармоғи: технологиялар, инвестициялар ва тараққиёт" мавзуида халқаро конференция ўтказилади. Унда мамлакатимиз нефть-газ саноатининг бугунги ҳолати ва ривожлантириш истиқболлари, углеводород базасини кенгайтириш омиллари, соҳадаги янги тенденциялар, Ўзбекистон нефть-газ соҳасининг сармоявий салоҳияти, бу борадаги халқаро ҳамкорлик, муқобил ва қайта тикланадиган энергия манбалари ва энергия самарадорлигини ошириш усуллари каби долзарб масалалар муҳокама этилади.

Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ғ.Ибрагимов, Болгария Республикаси Бош вазири Б.Борисов сўзга чиқди.

Ирода УМАРОВА,
ЎзА мухбири

Тадбиркорлик иқтисодиётда ниҳоятда катта аҳамиятга эга ва бозор тамойилларига хос фаолиятдир. Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик — табиий ресурслар, капитал маблағлар ва меҳнат омиллари билан бир қаторда, ишлаб чиқаришнинг асосий қисмига айланади.

ҚОНУН ТАДБИРКОРНИ ҚЎЛЛАЙДИ

Бу ўринда 2012 йил 2 майда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун, Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилиниши тадбиркорлик субъектларига янада кенг имкониятлар яратди. Бу фармон талабларидан келиб чиқиб, 2015 йил 20 августда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинганлиги муҳим ўрин тутади.

Амалиётда тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ турли-туман низоларга дуч келинади. Масалан, тадбиркорлик билан шуғулланиш ҳақида берилган аризани кўриб чиқиш муддатини ўтказиб юбориш, рўйхатдан ўз вақтида ўтказмаслик, ноқонуний текширишлар ўтказиш, ҳуқуқларини поймол қилиш, тадбиркорга маънавий ва моддий зарар етказиш ва шу каби бошқа қонунбузилишлар, минг афсуски, ҳамон учраб турмоқда.

Бу каби қонунбузарлик ҳолатларининг олдини олиш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш барча давлат идоралари, шу жумладан, прокуратура органларининг ҳам устувор вазифалари сифатида эътироф этилган. Бош прокуратурада "1007" рақамли ишонч телефони жорий этилган бўлиб, мансабдор шахслар ёки бошқа назорат органлари ходимларининг ноқонуний тарзда тадбиркорлар фаолиятига аралашиши, маблағларни уларнинг розилигисиз тасарруф этиши ёки бошқача тарзда қонунбузилиш ҳоллари юз берганда, прокуратура органлари томонидан айбдор шахсларга нисбатан қонунда белгиланган тартибда кескин чоралар кўриб келинмоқда.

Биргина, шу йилнинг ўтган даври мобайнида туман прокуратурасининг "Ишонч телефони"га тадбиркорлар томонидан тижорат банкларидан кредит маблағлари ажратишда амалий ёрдам бериш ҳақида мурожаатлар келиб тушган бўлиб, туман прокуратурасининг амалий ёрдами билан 75 миллион сўм кредит маблағи ажратилиши таъминланган.

Шунингдек, прокуратура томонидан тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига асоссиз аралашишнинг олдини олиш борасида доимий прокурорлик назорати ўрнатилган.

Бу борада аниқланган жиддий қонунбузилиш ҳолати юзасидан битта жиноят иши қўзғатилган. Хусусан, Яшнобод туман электр тармоқлари корхонаси ходими Ш.Қаюмов (исм-фамилия ўзгартирилган) март ойи ўрталарида МЧЖга тегишли бўлган меҳмонхонада текширув ўтказиб, корхона мансабдор шахсларидан меҳмонхонанинг электр ҳисоблагичи носоз ҳолатга келиб, ундаги тамға бузилганлиги сабабли электр тармоғидан узиб қўйиши ва бунинг натижасида жамият мансабдор шахслари 50 миллион сўм жаримага тортилиши билан қўрқитган ҳолда таъмагирлик йўли билан гўёки аниқланган камчиликлар юзасидан далолатнома тузмаслиги эвазига катта миқдордаги АҚШ долларини пора тарикасида олган вақтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ходимлар томонидан ашёвий далиллар билан қўлга олинган.

Мазкур ҳолат юзасидан айбдорга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, ҳозирда тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда ўтган йиллар давомида иқтисодий ислоҳотларнинг ўта муҳим соҳасида қўлга киритилган натижалар, авваламбор, тадбиркорлик фаолиятини, кичик ва ўрта бизнесни эркинлаштириш натижаси десак, асло муболаға бўлмайди ва бу борада прокуратура органлари тадбиркорлик фаолиятини юритувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини доимо ҳимоя қилишга тайёр.

Азамат АЗИМОВ,
Яшнобод тумани
прокурори

"ЎЗБЕКИСТОН ЎЗ ЙЎЛИДАН БОРИШ ВА БОШҚА МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИДАН НУСХА КЎЧИРМАСЛИК ҚАРОРИДА ҚАТЪИЙДИР"

(Давоми. Боши 1-бетда)

Т. Ганн фақат ижтимоий лойиҳаларга сармоя йўналтирган мамлакатгина буюк келажакни, гуллаб-яшнаш ҳамда фаровонликни кутиши мумкинлигига ишонч билдирди. "Ўзбекистон таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантиришга давлат бюджетининг салмоқли қисмини йўналтираётган камдан-кам мамлакатлардан биридир, — деди у. — Тиббий хизмат сифатини яхшилаш бўйича қатор давлат дастурларининг ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани, соғлиқни сақлаш соҳасига илм-фан ҳамда технологияларнинг илғор ютуқлари жорий қилинаётгани ҳам юқори баҳога лойиқдир".

Сўнгра у Ўзбекистонда ҳар йил муайян соҳага бағишланиши амалиётининг мавжудлиги, жумладан, 2016 йил "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилингани хусусидаги маълумот ўзида жуда яхши фикр уйғотганини баён этди. "Medtronic" компанияси вице-президентининг айтишича, буларнинг барчаси саъй-ҳаракатларни давлат сиёсатидаги ижтимоий аҳамиятга молик йўналишни ривожлантиришга қаратиш, замонавий жамиятнинг энг долзарб вазифаларини бажариш учун кучларни сафарбар қилиш имконини беради. "Шуниси қувонарлики, соғлиқни сақлаш, оила, оналик ва болалик муҳофазаси тизимини такомиллаштириш ва ривожлантириш мамлакат раҳбарияти эътиборининг марказида турибди", деди америкалик мутахассис.

Нидерландия озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаш ва қадоқлаш бўйича ускуна-жиҳозлар ишлаб чиқарувчилари уюшмасининг директори М. фан Харен Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини муваффақиятли амалга ошириш учун мавжуд шароитдан, жумладан, яратилган қулай сармоявий муҳит, хорижлик сармоядорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасига қаратилган имтиёз, қулайлик ҳамда кафолатларнинг кенг қамровли тизими ўзида катта таассурот қолдирганини айтди.

"Менинг фикримча, 2015 йили юқори технологияга асосланган ўта муҳим ва замонавий саноат объектларининг ишга туширилиши ҳамда 2016 йилга мўлжаллаб қабул қилинган аниқ режалар иқтисодий жиҳатдан зарурат бўлган ҳамда чуқур ўйланган дастурларнинг, шунингдек, фаол сармоявий сиёсатнинг ҳаётга татбиқ этилиши асосида мамлакат иқтисодиёти изчил ривожланаётганидан далолат беради", деди нидерландиялик бизнесмен.

Унинг таъкидлашича, бугунги кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва экспорт қилиш соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда унинг кўламларини кенгайтириш учун Ўзбекистон минтақада ўзига хос хабга айланди.

У экин майдонларини оптималлаштириш ҳисобидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини янада кўпайтириш ва замонавий агротехнологияларни қўллаш Ўзбекистоннинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ўрнини бундан-да мустаҳкамлашига ишонч билдирди.

"Neatkariga Rita Avize" газетаси бош муҳаррири Анита Дауките (Латвия)нинг фикрича, Ўзбекистон раҳбарияти томонидан ҳар томонлама пухта ўйланган ва аниқ ифодаланган истиқбол мўлжаллари республикага стратегик мақсад — дунёнинг ривожланган давлатлари сафига кириш йўлида навбатдаги қадамни ташлаш имконини беради.

"Ўзбекистонда ишлаб чиқариш қувватлари оқилона жойлаштирилган ҳамда мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланилмоқда. Бу мамлакатдаги иқтисодий ўсиш, тинчлик, осойишталик ва барқарорликни ҳам таъминлади. Жаҳон савдосидаги ўсиш суръатларининг сезиларли даражада секинлашуви ҳамда ташқи эҳтиёжнинг камайгани, жаҳонда энг муҳим экспорт товарларига бўлган нархнинг пасайиши Ўзбекистонга ташқи савдо айланмасида жиддий салъдога эришишда халақит берган йўқ", деди латвиялик журналист.

Унинг мулоҳазасига кўра, Ўзбекистоннинг 2015 — 2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш ва ривожлантириш дастурининг ҳаётга татбиқ этилаётгани, жумладан, Қамчиқ довони орқали ўтадиган туннель қурилиши ва "Ангрен — Поп" йўналиши бўйича темир йўл қатновининг йўлга қўйилиши мамлакатнинг бошқа ҳудудлари ўртасида темир йўл орқали юк ҳамда йўловчи ташишда катта қулайликлар яратиши баробарида, республика мустақиллигини мустаҳкамлайди, шунингдек, Ўзбекистоннинг Осиёни Европа билан боғлайдиган транспорт-транзит тизимидаги аҳамиятини янада оширади.

"ИнфоШОС" ахборот портали бош муҳаррири Татьяна Синицина (Россия) эътироф этганидек, Ўзбекистон Марказий Осиёда қандай қудратли давлатга айлангани кишини ҳайратга солмаслиги мумкин эмас. "Мамлакатда улкан тарихий салоҳият мавжуд, бу заминда яшаган ва ижод қилган буюк алломаларнинг қуввати авлодларга ўтган", деб ҳисоблайди у.

Т. Синицина Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасини диққат билан ўрганиб чиққанини маълум қилар экан, босқичма-босқич ривожланишнинг жаҳонга машҳур "ўзбек модели" пухта экани ва республикани янги чўққиларга кўтараётганига ишонч ҳосил қилганини айтди. "Ўзбекистонда кейинги йиллар давомида бунёд этилган фабрика, завод ва мажмуаларнинг сони ҳам қувонтиради, ҳам ҳайратлантиради. Энг муҳими, бу иншоотлар хом ашёга эмас, балки юқори технологик ишлаб чиқаришларга асосланганки, улар мамлакатни мутлақо бошқа, юксак даражага кўтармоқда", деди россиялик журналист.

Т. Синицина Ўзбекистон ўз йўлидан бориш ва бошқа мамлакатлар тажрибасидан нусха кўчирмаслик қарорида қатъий эканини алоҳида қайд этди. "Натижада Ўзбекистон БМТ ҳомийлигида мустақил ташкилотлар гуруҳи ва халқаро экспертлар иштирокида 2015 йилда 158 та давлатда ўтказилган "Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари" мавзуидаги тадқиқотда ушбу индекс бўйича 44-ўринни эгаллади. Шуниси аёнки, агарда халқ бахтли экан, демак у ўз давлатини янада юқори чўққиларга кўтаради", деди у.

ХХР Замонавий халқаро муносабатлар академияси Европа ва Осиё институтининг Марказий Осиё бўлими мудири Дин Сяосин Ўзбекистондаги иқтисодий стратегиянинг қатор ўзига хосликлари хусусида алоҳида тўхталди. "Энг аввало, бу саноатнинг қўллаб-қувватланаётганидир. Шу боис мамлакат бугунги кунда юқори қўшимча қийматга эга бўлган сифатли тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқармоқда ва уларни ташқи бозорларга экспорт қилаяпти. Республикада ишлаб чиқарилаётган автомобиллар, двигателлар, механик ҳамда бошқа маҳсулотларга жаҳон бозорларида катта талаб бор. Ўзбекистон иқтисодиётни инновация йўлига ўтказиш учун ҳам ўзидаги мавжуд юқори интеллектуал салоҳиятдан унумли фойдаланмоқда", деди эксперт.

У мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича олиб борилаётган ишлар самарали эканлигини алоҳида қайд этди.

"Кейинги йилларда Ўзбекистонда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, хусусан, янги бизнесни очиш тартибларини соддалаштириш, давлат органлари томонидан аралашувларни чеклаш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилди. Раҳбарият томонидан қаратилаётган бу каби доимий эътибор туфайли эса хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси, мазкур жабҳада банд бўлган кишиларнинг сони ҳам муттасил ўсиб бормоқда", деди Дин Сяосин.


"Жаҳон" АА.

Реклама ўрнида

O'ZSANOATQURILISHBANK

БАНК КРЕДИТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ РИВОЖИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Тошкент шаҳар минтақавий филиали жорий йилда банкнинг капиталлашув даражасини ва ресурслар базасини янада оширишга, иқтисодиёт ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашни жадаллаштиришга, нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ҳамда унинг банкдан ташқари айланмасини қисқартиришга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга, шунингдек, мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини янада оширишга қаратмоқда.



Бугунги кунда "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Тошкент шаҳар минтақавий филиали таркибида 13 та филиал, 11 та минибанк, шундан 2 та банк хизматлари марказлари, 15 та жамғарма ва 21 та махсус кассалар, 17 та халқаро пул ўтказмалар ва 69 та аҳолидан турли тўловларни қабул қилиш шохобчалари фаолият олиб бормоқда.

Ресурс базасини янада кўпайтириш борасида амалга оширилган ишлар натижасида жами депозитлар миқдори ўтган йилга нисбатан 133%га, кредит қўйилмаларнинг ҳажми эса 154%га кўпайган.

Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, хусусий мулк шаклини тубдан кенгайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар натижасида ушбу соҳа кескин ривожланди.

Тармоқни янада юксалтириш, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадида минтақавий филиал томонидан инвестицион кредитлар ажратилмоқда. Жорий йилда кичик бизнес субъектларига 70 миллиард сўмдан ортиқ кредитлар ажратилди, ушбу маблағлар ҳисобидан қўшимча янги иш ўринлари яратилди.

"GEO STAR PLUS" масъулияти чекланган жамияти 2010 йилдан буён фаолият юритиб келмоқда. Яшнобод туманида жойлашган ушбу корхонада бугунги кунда сифатли текстиль маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Мазкур жамият "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Тошкент шаҳар минтақавий филиалининг мижозларидан бири бўлиб, банк томонидан жорий йилда корхонани модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш ускуналари ҳамда хом ашё маҳсулотлари сотиб олиш мақсадида 800 миллион сўмлик кредит маблағлари ажратилди.

– "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Тошкент шаҳар минтақавий филиали томонидан ажратилган маблағлар бизнинг ушбу ютуқларга эришишимизда катта кўмак бўлди, – дейди "GEO STAR PLUS" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Зафар Аҳунжонов. – Ҳозирда корхонамиз йилига 680 минг метр текстиль маҳсулотларини ишлаб чиқариш қувватига эга. Янги технологиялар ҳисобига қўшимча иш ўринлари ҳам яратилди. Корхона фаолиятида эришилаётган муваффақиятлар нафақат меҳнатимиз, балки ҳукуматимиз томонидан яратилаётган имкониятлар ҳамда берилган имтиёзлар самараси ҳамдир. Келгусида корхонамизни янада кенгайтирган ҳолда маҳсулот турини кўпайтиришни режалаштирмоқдамиз.

Бундан кўриниб турибдики, банклар томонидан кўрсатилаётган молиявий кўмак тадбиркорларнинг фаолияти ривожига, маҳсулот тури кўпайишига, аҳоли бандлигини таъминлашга катта ҳисса қўшмоқда.

Равшан ЮНУСОВ

Хизматлар лицензияланган

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

Дунёда ҳеч бир бойлик инсон саломатлигига тенг кела олмайди. Башарият аллақачон соғлиқни бахт белгиси деб ҳисоблашга ўтган. Соғлиқни сақлаш тизимининг даражаси эса мамлакатда ўртача умрга қараб белгиланади. Киши соғлом вояга етиши, узоқ умр кўриши учун соғлом онадан туғилган бўлиши, болаликдан яхши парвариш топган бўлиши лозим.

КЕЛАЖАГИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар инсон, унинг манфаати, турмуш фаровонлигини таъминлаш, албатта, соғлом яшашига қаратилган. Шундай экан, замонавий ҳамда халқаро андозалар даражасидаги тиббий хизмат тизимини барпо этиш, жисмонан соғлом, ҳар тарафлама баркамол авлодни вояга етказиш бу соҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг туб моҳиятини, асосий мағзини, мазмун-мундарижасини ташкил этади.

Мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш тизимининг меъёрий-ҳуқуқий негизларини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг ўндан ортиқ қонуни ва кўплаб қонуности ҳужжатлари қабул қилингани бу соҳага давлат томонидан берилаётган эътиборнинг яққол далили ҳисобланади.

Хусусан, жорий йилнинг "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилиниши, бу борада Давлат дастури қабул қилиниб, изчил амалга оширилаётгани алоҳида диққатга сазовордир. Бу мамлакатимизда олиб борилаётган изчил сиёсатнинг узвий ва мантиқий давоми ҳисобланади.

Маълумки 2011 йил 25-26 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида Юртбошимиз ташаббуси билан "Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: "Соғлом она – соғлом бола" мавзусида халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Бу анжуманда дунёнинг 37 давлатидан чет эллик мутахассис, олим ва шифокор қатнашгани унинг нуфузи ва салоҳиятидан дарак бериб турибди. Ўзбекистоннинг соғлиқни сақлаш соҳасида эришган ютуқлари мазкур симпозиумда иштирок этган давлат вакиллари томонидан юксак баҳоланди. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти бош директори Маргарет Чен эса юртимизда амалга оширилган ислоҳотларга юксак баҳо бериб, асосий ютуқ – бу мамлакатнинг соғлиқни сақлаш соҳасида 4 та тамойилга, яъни давлат сиёсати, инвестицияларни жалб қилиш, кадрлар салоҳиятини ошириш ва Минг йиллик ривожланиш мақсадларига эришишга риоя этилаётганлиги билан боғлиқ эканини таъкидлаб ўтди.

Юртбошимиз халқаро симпозиумнинг очилиш маросимидаги нутқида таъкидлаб ўтганидек: *"Бизнинг тажрибамиз соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар доимий ва узлуксиз жараён эканидан далолат беради. Шу кунларда биз ислоҳотларнинг янги босқичи билан боғлиқ вазифаларни амалга оширишга киришдик".*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури тўғрисида 2016 йил 9 февралдаги Қарори асосида "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури тасдиқланди ҳамда унинг устувор вазифалари ва амалга оширилиши зарур бўлган йўналишлари белгилаб берилди.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури – 11 бўлим, жами 88 банддан иборат.

Дастурда жумладан, Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонуни янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳам кўзда тутилган.

Она ва бола соғлиғини таъминлаш – табиийки, комплекс вазифа. Хусусан, олис ва чекка қишлоқ туманларида она ва бола саломатлигини таъминлайдиган шароитлар яратиш – ўта муҳим. Давлат дастурида ана шу масаланинг турли қирраларига доир чоратадбирларни амалга ошириш ҳам кўзда тутилган.

Яна бир муҳим жиҳат шундан иборатки, Давлат дастурида умумтаълим мактаблари учун қўшимча равишда 1 минг 706 та, шу жумладан, 2016 йилнинг ўзида 217 та спорт зали қуриш кўзда тутилган. Ҳар бир туманда камида битта замонавий, зарур ускуналар билан жиҳозланган болалар-ўсмирлар мактаби бунёд этиш режалаштирилган. Жорий йилнинг ўзида шундан 15 таси ишга туширилади. Минтақалар марказларида спортнинг 4 йўналиши бўйича 56 та ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби ташкил қилинади. Шундан 5 таси 2016 йилнинг ўзида бунёд этилади. Жорий йилнинг ўзида 11 та сузиш ҳавзаси қуриш ҳам режалаштирилган.

Биз "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурининг айрим бандларига диққатни қаратдик. Бу ҳужжат йил давомида жамиятда оналар ва болалар саломатлиги йўлида янги қадам бўлади, албатта. Энг муҳими, давлатимизнинг бу сиёсати халқимиз онг-тафаккурида она ва бола саломатлигига диққат-эътиборни кучайтириш, ҳаётда соғлом турмуш тарзини жорий этиш даражасини ошириш учун муҳим асос вазифасини ўтайди.

Нозима ҚОСИМОВА,
Тошкент Педиатрия тиббиёт институти ассистенти

Сўранг, жавоб берамиз

Ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш қандай тартибда амалга оширилади. Ер участкасини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиш мумкинми?

Р.Дадаева,
Юнусобод тумани

Ер участкаси шартнома асосида қуйидаги асосларда ижарага берилади:

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ва юридик шахсларига — туман ва шаҳар ҳокимлари;

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга, халқаро бирлашмалар ва ташкилотларга, чет эллик юридик ва жисмоний шахсларга – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан берилади.

Ер участкалари ижарасининг шартлари ва муддатлари тарафларнинг келишувига биноан белгиланади ва шартномада мустаҳкамлаб қўйилади. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ижарага эллик йилгача бўлган, бироқ ўттиз йилдан кам бўлмаган муддатга берилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 37-моддасига асосан ер участкаси ёки унинг бир қисми давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер эгасининг розилиги билан ёки ердан фойдаланувчи ва ижарачи билан келишилган ҳолда тегишлича туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига ёхуд Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан олиб қўйилади. Ер эгаси, ердан фойдаланувчи ва ижарачи ер участкасини олиб қўйиш ҳақидаги туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарорига рози бўлмаган тақдирда, бу қарорлар устидан судга шикоят қилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Саида МАҚСУДОВА,
Яшнобод туманидаги 2-сонли ДНИ нотариуси

* * *

Нотариал идорага синглимнинг автотранспорт воситасидан фойдаланишим учун имтиёзли ишончнома расмийлаштириб беришни сўраб мурожаат қилганимда, нотариус менга сизлар опа-сингил эмассизлар, чунки туғилиш гувоҳномаларингиздаги она графаси бўйича бошқа-бошқа оналарнинг фарзандисизлар деб, яқин қариндошлар бўйича ишончнома расмийлаштириб беришни рад этди. Ушбу ҳолат бўйича тушунтириш берсангиз.

Д.Эшимова,
Яшнобод тумани

Оила кодексининг 58-моддасида ака-ука ва опа-сингиллар ёт аралашмаган ва ёт аралашган қариндош бўлиши мумкинлиги, ака-ука ва опа-сингиллар бир ота-онадан келиб чиққан бўлса, ёт аралашмаган, ота бир она бошқа ёки аксинча она бир ота бошқа бўлса, ёт аралашган қариндош ҳисобланиши, ёт аралашмаган қариндошликда ака-ука ва опа-сингиллар туғишган, ёт аралашган қариндошликда эса, ака-ука ва опа-сингиллар ўгай ҳисобланиши ва эр-хотиннинг илгариги никоҳларидан бўлган болалари ўзаро қариндош ҳисобланмаслиги кўрсатиб ўтилган. Шунга кўра, сиз синглингиз билан ёт аралашган қариндош ҳисобланасиз.

"Давлат божи ставкалари тўғрисида"ги қонунга асосан ота-оналар, эр-хотин ва уларнинг ота-оналари, болалар ва уларнинг эр-хотинлари, ака-укалар, опа-сингиллар, набиралар, жиянларга автомототранспорт воситаларидан фойдаланиш ва тасарруф қилиш ҳуқуқини берувчи ишончномаларни тасдиқлаганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдорида давлат божи ундирилади.

Латофат ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Учтепа туманидаги 8-сонли ДНИ нотариуси

* * *

Нотариал идораларда шартнома тузаётганимизда "муомала лаёқати текширилади" ёзувини кўрамиз, шунингдек, матбуот саҳифаларида ҳуқуқ лаёқати, деган сўзларга кўзимиз тушади. Хўш, фуқаролик ҳуқуқ лаёқати нима-ю, фуқаролик муомала лаёқати нима?

Л.Азимова,
М.Улуғбек тумани

Фуқаронинг ҳуқуқ лаёқати, одатда, у туғилганида вужудга келади ва вафот этиши билан тугайди. Муомала лаёқати фуқароларнинг ўз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиш ва уларни амалга ошириш, бажариш лаёқатидир. Тўла муомала лаёқати соҳиби қонун йўл қўйган исталган турдаги юридик ҳаракатларни қилиши мумкин (масалан, шартномалар тузиш, етказилган зарарни тўлаш каби). Муомала лаёқатининг ҳуқуқ лаёқатидан фарқи шуки, барча фуқаролар ҳам муомала лаёқатига эга бўлавермайдилар. Муомала лаёқатига эга бўлишнинг шарти шуки, муомала лаёқатига эга бўлган фуқаролар ақли расолик билан ўз ҳаракатларининг оқибатларини тушуниб ҳаракат қиладилар. Маълумки, янги туғилган бола тўла ҳуқуқ ва мажбурият ола олмайди. Тўла муомала лаёқати 18 ёшдан бошланади.

Гавҳар ЯКУБОВА,
Яккасарой туманидаги 2-сонли ДНИ нотариуси

* * *

Ҳадя олувчи топширилаётган мулкнинг сифатсизлиги ҳақидаги талабларни қўйишга ҳақлими?

О.Латипова,
Шайхонтоҳур тумани

Ҳадя текинга тузиладиган шартнома бўлганлиги боис, ҳадя олувчи топширилаётган мулкнинг сифатсизлиги ҳақидаги талабларни қўйишга ҳақли эмас. Албатта, топширилаётган ашё сифатсиз ва унинг камчиликлари бўлиши мумкин. Бироқ бу ҳадя олувчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказмаслиги керак. Бундай ҳолларда ҳадя қилувчининг бу ҳақда ҳадя олувчини огоҳлантирганлиги исбот қилиниши талаб этилади.

Лайло АЛЛАЯРОВА,
Чилонзор туманидаги 5-сонли ДНИ нотариуси

* * *

Фуқаронинг фотосуратда акс эттирилган шахс эканлигини тасдиқлаш қандай мақсадда амалга оширилади?

А.Олимова,
Чилонзор тумани

"Нотариат тўғрисида"ги Қонуннинг 71-моддасига биноан ҳар бир нотариус фуқаро тақдим этган фотосуратдаги шахс шу фуқаронинг айнан ўзи эканлигини тасдиқлашга ҳақлидир. Чунончи, фотосуратлар бошқа ҳужжатларга қўшиб, давлат муассасасига почта ёки бошқа бирорта шахс орқали юборилган ҳолларда ана шундай нотариал ҳаракатларни амалга ошириш зарур бўлиб қолади. Бундай ҳолларда ушбу муассасаларнинг мансабдор шахслари ўз ҳужжатларини почта ёки бошқа бир шахс орқали юборган фуқаро фотосуратда акс этган шахснинг айнан ўзи эканлигига бевосита ишонч ҳосил қилиш имкониятига эга бўлмайдилар.

Шунинг учун фотосуратни тақдим этаётган шахснинг ўзи шахсан нотариал идорага келиши шарт.

Факт тасдиғи сифатида нотариус томонидан гувоҳнома берилади. Фотосурат гувоҳноманинг юқори чап бурчагига жойлаштирилади, нотариуснинг имзоси ва бир қисми фотосуратга, бир қисми гувоҳномага тушадиган нотариал идора муҳри билан тасдиқланади.

Санам АЗИМОВА,
Шайхонтоҳур туманидаги 6-сонли ДНИ нотариуси

Истиқлолимизнинг чорак асрлик тўйини муносиб кутиб олиш борасида барча соҳаларда янгиланишлар, айниқса, халқимизнинг орзу умидига мос бунёдкорлик ишлари давом этмоқда. Пойтахтимизнинг Учтепа тумани фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш (ФҲДЁ) бўлимининг янги биноси фойдаланишга топширилгани шулардан биридир.

БАХТ УЙИНИНГ ЗАМОНАВИЙ БИНОСИ ОЧИЛДИ



Янги бинонинг очилиш маросимида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида оила институтини янада мустаҳкамлаш, жамият ҳаётида унинг роли ва нуфузини ошириш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш йўлида изчил ислоҳотлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

ФҲДЁ бўлимининг биносини бунёд этиш учун 907 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланган. Замонавий технологиялар, зарур анжомлар билан жиҳозланган муҳташам бинода никоҳларни тантанали равишда қайд этиш учун ҳавас қилса арзигулик шароитлар яратилгани тобора тараққий этаётган, тинч ва обод юртимизнинг яна бир ютуғи бўлди.

– Янги бинода яратилган қулайликлар халқимизга малакали ва сифатли юридик ёрдам кўрсатишга тўла имкон беради, – дейди Учтепа туман ФҲДЁ бўлими мудири Нозима Абдусаломова. – Ҳар бир фуқаронинг туғилиши, оила қуриши, фарзанд кўриши каби ҳолатларни қонуний расмийлаштириш, ҳужжатлар архивини тегишли тартибда юритиш учун барча шароит мавжуд. "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида ҳуқуқий-маърифий тадбирлар кўламини кенгайтириш, "Ёш оила қурувчилар мактаби", "Оила дорилфунуни" машғулотлари мундарижасини янада бойитиш, уларни кўргазмали, интерфаол усуллар асосида ўтказиш борасидаги режаларимизни амалга оширишга янада кенг йўл очилди.

Тадбир иштирокчилари ёшларимиз учун яратиб берилаётган шарт-шароитлар, имкониятлар уларнинг Ватанга муҳаббат, юртга садоқат руҳи ила камол топишларига замин яратаётганини алоҳида қайд этдилар.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

ҲУҚУҚ БИЛИМДОНЛАРИ

Ёшлар ижод саройида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан "Ҳуқуқ билимдонлари" кўрик-танловининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Адлия вазирликлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур танловда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бос-қичларида ғолиб бўлган ўқувчилар қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари Д.Кенжаев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида навқирон авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг камолоти ва истиқболи йўлида ғамхўрлик кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

2014 йилдан буён ўтказиб келинаётган "Ҳуқуқ билимдонлари" республика танловида умумий ўрта таълим мактабларининг ўқувчилари фаол қатнашмоқда. Ўқувчиларда ҳуқуқий онг ва маданиятни янада юксалтириш, уларда фаол фуқаролик ва мустақил қарор қабул қилиш кўникмасини ривожлантириш, шу орқали ҳуқуқбузарликлар профилактикасини кучайтириш мазкур танловнинг асосий мақсадидир. 2016 йилги интеллектуал беллашувнинг барча босқичларида умумтаълим мактабларининг 8-9-синф ўқувчилари фаол қатнашиб, ўз ҳуқуқий билимларини синовдан ўтказди.

– Бу танлов биз, ёшларнинг ҳуқуқий, сиёсий билимларимизни янада юксалтириш имконини бериши билан аҳамиятлидир, – дейди ЎзА мухбирига Ангрен шаҳридаги 15-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Барно Сотимова. – Ўтказилган тестлар, тақдимотлар жараёнида Ватанимиз тараққиётига ўз билимимиз, фаоллигимиз билан муносиб ҳисса қўшиш бурчимиз эканини яна бир карра теран англадик.

Танлов жараёнида ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимлари, бугунги кунда жаҳонда рўй бераётган воқеа ва ҳодисалардан хабардорлиги, мамлакатимиздаги ислоҳотларнинг моҳиятини теран англаши, зукколиги, ҳозиржавоблиги, дарсда олган билимларини амалиётда намоён эта олишига асосий эътибор қаратилди.

Ғолибларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди. Иштирокчилар учун Мустақиллик майдони, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Темурийлар тарихи давлат музейига саёҳатлар ташкил этилди.

Н.УСМОНОВА

Юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар аҳолининг турмуш даражасини оширишга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

МАҚСАДИМИЗ ИЖТИМОИЙ МУҲИТНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан жойларда вояга етмаганлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, улар орасида ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишда жамоатчилик билан ҳамкорликда иш олиб борилаётгани ўз самарасини бермоқда. Инсон манфаатлари устун бўлган мамлакатимизда берилган имкониятдан оқилона фойдаланмай, енгил ҳаётни танловчи, жиноятчиликка қўл ураётганлар ҳам топилади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятидаги муҳим йўналишлардан бири шахснинг хавфсизлиги ва соғлиғига тажовуз қилувчи жиноятларнинг олдини олиш ташкил қилади. Афсуски, қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш жинояти кўп учраб туради. Ушбу турдаги жиноят Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 105-моддасида қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш жинояти сифатида таъриф бериб ўтилган. Яъни содир этилган пайтда ҳаёт учун хавфли бўлмаган ва қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятида назарда тутилган оқибатларга олиб келмаган, лекин соғлиқни узоқ вақт, яъни камида йигирма бир кун, аммо тўрт ойдан кўп бўлмаган даврда ёмонлашувига ёки умумий меҳнат қобилиятининг ўн фоиздан ўттиз уч фоизгача йўқолишига сабаб бўлган қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш жинояти ҳисобланади.

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: ушбу салбий ҳолатни бартараф этиш учун нима ишларни амалга ошириш зарур? Энг аввало ҳар биримиз бефарқлик ва лоқайдликка берилмасдан, жамиятимизда ушбу турдаги жиноятларнинг кўпайишига йўл қўймаслик учун оила, маҳалла, иш ва ўқиш жойларда бу каби иллатларнинг олдини олиш, инсонларнинг яшаш тарзи ва ижтимоий муҳитни соғломлаштиришга ҳар биримиз масъул эканлигимизни унутмаслигимиз лозим. Жиноятчиликка қарши курашиш, унинг олдини олиш, ёш авлоднинг соғлом келажагини яратишга ҳисса қўшиш фақатгина ички ишлар органи ходимларининг хизмат бурчи эмас, балки шу юртда яшаётган ҳар бир инсоннинг вазифаси бўлиши керак. Шундагина биз жамият ривожига салбий таъсир этадиган иллатга қарши курашишда самарали натижага эришамиз.

Тоҳир АБДУҚОДИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси битирувчиси





ЛАТОФАТЛИ ҚИЗЛАР БАҲСИ

Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги ва хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан Ўзбек Давлат циркида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги ҳамда Соғлом она ва бола йилига бағишланган "Ҳоким кубоги" гимнастрада спорт мусобақасининг финал босқичи ўтказилди.

Шайхонтоҳур туманида аҳолининг барча қатламлари ўртасида соғлом турмуш тарзини жорий этиш, хусусан қизларни жисмонан соғлом ва латофатли бўлишларига катта эътибор берилмоқда.

Айтиш ўринлики, бундан олдин мусобақанинг саралаш босқичлари февраль-март ойларида ўтказилиб, унда тумандаги 44 та мактабгача таълим муассасаси, 36 та умумтаълим мактаби, 4 та олий ва 13 та ўрта махсус ўқув юрти ҳамда 51 та маҳаллаларда мусобақалар ташкил этилди. Мусобақаларга 200 га яқин жамоалар бирлашиб, 3 мингдан ортиқ турли ёшдаги аҳоли қатламлари жалб этилди.

Мусобақанинг финал учрашувида саралаш босқичларида ғолибликни қўлга киритган 16 та жамоа иштирок этди.

Шайхонтоҳур туман ҳокими М.Мирқосимов юртимизда ёшларнинг спортга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш борасида давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида гапириб, бу тадбир 4 ёшдан 70 ёшгача бўлган ҳаваскор спортчиларни бирлаштириш билан бирга аҳолининг, айниқса қизларнинг спортга бўлган қизиқишини янада оширишини таъкидлади.

Мусобақа иштирокчилари чиқишларини Ўзбекистон Республикаси Гимнастрада Федерациясининг малакали тренерлари баҳолаб боришди. Тадбир якунида барча иштирокчи жамоаларга турли номинациялар бўйича диплом ва эсдалик совғалари, мутлақ ғолибларга "Ҳоким кубоги" тантанали суратда топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова иштирок этди.

З.ШАРИФЖОНОВ

Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил қилиш, улар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш маҳалла фаолларининг энг муҳим вазифалари сирасига киради.

Мусобақалар

МАРДЛАР МАЙДОНДА СИНАЛАДИ

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамда ҳамкор ташкилотлар томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Маҳалламиз паҳлавонлари" мусобақалари азалий ва умуминсоний қадриятга айланган ҳалоллик, бағрикенглик, инсонпарварлик фазилатларини ўзида мужассамлаштирган ўзбек курашини янада ривожлантириш, ёш авлоднинг жисмонан бақувват, ҳар томонлама етук инсонлар бўлишига шароит яратиш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, маҳаллаларда истиқомат қилувчи ёш курашчиларни аниқлаш мақсадида ўтказиб келинмоқда.

Мусобақанинг жорий йилги маҳаллалараро босқичи ҳам жойларда қизғин тарзда кечди. Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида уюштирилган мусобақада "Юзработ", "Азамат", "Тракторсозлар", "Катта олтинтепа" маҳаллаларидан ташриф буюрган 46, 50, 56 вазнли – 25 нафар ўғилқиз ғолиблик учун беллашди.

— Мустақиллик йилларида юртимизда спортни, хусусан болалар спортини ривожлантириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда, — дейди "Юзработ" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдумалик Эрназаров. — Бундан кўзланган мақсад нафақат юртимиз довруғини дунёга таратувчи машҳур спортчиларни тарбиялаш, шу билан бирга келажагимиз умиди бўлмиш ёш авлоднинг маънан ва жисмонан етук, соғлом улғайишига эришишдан иборат.

Дарҳақиқат юртимиз ёшлари нафақат кураш, балки спортнинг бошқа турлари бўйича ҳам юксак марраларга эришиб келмоқда.

Таҳлилларга кўра, бу йилги мусобақа қатнашчиларининг сони ўтган йилга нисбатан ортганлиги ҳамда жойларда турнир кўламининг кенгайиб, ёшлар ўртасида кураш спортига қизиқиш янада кучаяётганлиги кузатилмоқда.

9-14 ёшлилар баҳсларида ўсмир паҳлавонлар уч вазн тоифасида беллашишди. Мусобақа натижаларига кўра, 55 кг. вазн тоифасида ўғил болалар ўртасида "Тракторсозлар" маҳалласидан Нурлан Айтбоев, 50 кг. вазн бўйича "Азамат" маҳалласидан Отабек Ҳамдамов, 46 кг. вазнда эса "Тракторсозлар" маҳалласининг яна бир вакили Темур Сартоев ғолиб деб топилди. Қизлар ўртасида 52 кг. вазн тоифасида "Юзработ" маҳалласидан Шириной Хуркинова, 48 кг. вазнлилар ўртасида "Азамат" маҳалласидан ёш умидли курашчи Элнура Юнусова ҳамда 46 кг. вазн бўйича юзработлик Робия Ғуломова шоҳсупанинг тўридан жой эгаллашди.

Мусобақа иштирокчиларига "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси ва ҳомийлар томонидан эсдалик совғалари ҳамда фахрий ёрлиқлари топширилди. Ғолиблар мусобақанинг кейинги босқичига йўлланмани қўлга киритишди.

Зиёда РАСУЛОВА

"КАМОЛОТ" ХАБАРЛАРИ

Тошкент Ислом университетида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати университет бошланғич ташкилоти ташаббуси билан "Камолот"да меҳмонда" лойиҳаси доирасида "Спорт ва ёшлар" мавзусида ФИФА рефериси Равшан Эрматов билан учрашув бўлиб ўтди.

"Эл-юрт ҳурмати" ордени, "Ўзбекистон ифтихори" кўкрак нишони совриндори Р.Эрматов болалик хотиралари ҳамда ҳакамлик фаолияти, футбол ўйинлари давомида юзага келган қизиқарли воқеалар ва бошқа таассуротлари билан ўртоқлашди.

Бошланғич ташкилот фаоллари томонидан берилган саволларга меҳмон ўзи билан боғлиқ қизиқарли воқеалар асосида жавоб берди.

Шунингдек, Р.Эрматов "Манбалар хазинаси"га ташриф буюриб, фахрий меҳмонлар китобига ўзининг самимий тилакларини эсдалик сифатида ёзиб қолдирди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги, Олмазор туман прокуратураси, шаҳарча ИИБ, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳарча Етакчилар Кенгаши ҳамкорлигида Тошкент давлат техника университети қошидаги комьпютер технологиялари академик лицейида "Ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирни ташкил этишдан асосий мақсад ҳозирги кунда камол топиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, уларнинг маънавий дунёқарашини бойитиш, дунё саҳнида рўй бераётган долзарб муаммоларга айланаётган ёт ғоялар таъсиридан асраш ва огоҳ этишдир.

Бугун бир нарсани очиқ айтиш керак, охирги йилларда юртимизда авж олаётган айрим, биз учун ёт иллатлар саналаётган кўплаб нохуш ҳолатларнинг олди олинмоқда. Касални даволашдан кўра унинг олдини олиш мақсадга мувофиқ дейди доно халқимиз. Дарҳақиқат бу гаплар бежизга айтилмаган. Ёшларимизнинг бўш вақтларини унумли ўтказиш учун кўпроқ спорт, санъат, адабиётга жалб қилинмоқда.

"Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ҳудудида хавфсизликни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳарча Етакчилар Кенгаши, шаҳарча ҳокимлиги ва Ички ишлар бўлими ходимлари билан ҳамкорликда кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

— Мустақил Ўзбекистонимизда ёшларимизга берилаётган эътибор, ғамхўрлик, қўллаб-қувватлаш, йилдан йилга ўсмоқда, — дейди "Камолот" ЁИҲ шаҳарча Етакчилар Кенгаши мутахассиси З.Саъдуллаев. — Бизга берилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланиб келажакда албатта Ватанимиз тараққиётига ҳисса қўшадиган етук кадрлар бўламиз.

"Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ИИБ бошлиғи Ш. Мирзажонов сўзга чиқиб, ҳудудда жамоат тартибини сақлаш, талаба-ёшлар ўртасида ўзаро бўлиб турадиган зиддиятлар ва унинг оқибатлари, шаҳарча ҳудудида ички тартиб қоидаларига жиддий риоя этилишига тўхталиб ўтди. Тадбир давомида ўқувчи-ёшлар ўзларини қизиқтирган саволлари, уларни қийнаётган муаммоларга атрофлича жавоблар олдилар.

Зарина РУСТАМОВА

Футбол янгиликлари

ҲИМОЯДА БЕХАТО ЎЙНАШДИ

Саудия Арабистонида футбол бўйича уюштирилган Осиё чемпионлар лигаси нимчорак финалининг "Ал-Ҳилол" ҳамда Тошкентнинг "Локомотив" жамоалари ўртасидаги дастлабки баҳсда нохуш анъанага чек қўйилди.

Гап шундаки, Саудия Арабистонининг "Ал-Ҳилол" жамоаси қитъамизнинг кучли клубларидан бири ҳисобланади. Чунки 1957 йилдан ўз фаолиятини бошлаган "Ал-Ҳилол" шу кунгача қитъа миқёсидаги кўпгина халқаро турнирларда зафар қучган Осиё чемпионлар лигаси турнирида ҳам ғолибликни қўлга киритган. Ўтган асрда Осиёнинг энг кучли клуби сифатида ҳам "Ал-Ҳилол" эътироф этилгани фикримизга яққол далил. Шунингдек, мамлакатимиз жамоалари билан Осиё чемпионлар лигаси турнирида аксарият ҳолларда "Ал-Ҳилол"нинг қўли баланд келган. Эътиборлиси, "Ал-Ҳилол" ўз майдонида ҳали бирор марта юртимиз жамоаларидан мағлубиятга учрамаган, фақат ғалаба қозонган. Жорий йилги Осиё чемпионлар лигаси турнирининг гуруҳ босқичида "Пахтакор" ҳам "Ал-Ҳилол"дан Ар-Риёд шаҳридаги стадионда мағлуб бўлгани фикримизга далил бўлади. Дарвоқе, ўтган йили айнан "Локомотив" "Ал-Ҳилол" билан бир гуруҳдан ўрин эгаллаган ва рақибларига ҳар икки ўйинда енгилган эди.

Лекин жорий йилда Осиё чемпионлар лигаси турнирида ҳам, миллий чемпионатда ҳам ишончли ўйин намойиш этаётган "Локомотив" нимчорак финалда "Ал-Ҳилол"га муносиб қаршилик кўрсата олди. Албатта майдон эгаларининг устунлиги остидаги баҳсда мезбонлар томонидан уюштирилаётган хавфли ҳужумларни "Локомотив" аъзолари қайтара олишди. Нестеров бир неча бор жамоасини муқаррар голлардан қутқариб қолди ва ўйин қаҳрамонига айланди.

Шунингдек, иккинчи бўлимда "Ал-Ҳилол" дарвозаси томон уюштирилган хавфли ҳужумларда "Локомотив"га ҳам бироз омад етишмади. Аммо, ушбу ғалабага тенг дуранг "Локомотив"га чорак финалга чиқиш учун яхши имконият яратди. Энди Тошкентда "Локомотив" ва "Ал-Ҳилол" жамоалари 24 май куни жавоб баҳсида куч синашадилар.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ТАБИАТНИ ҲАШАРОТЛАРДАН АСРАЙЛИК

Она табиатни асраб-авайлашга, атроф-табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга барчамиз бирдек масъулдирмиз.

Комсток қурти ватани Япония ҳисобланган Ўрта Осиёнинг барча ҳудудларида учрайди. Энг хавфли зараркунандалардан бири, кўпгина мевали ва манзарали экинларга хусусан, тут, беҳи ва анорга зарар келтиради.

Ҳашарот дарахт танаси, шохлари ва баргларида гала бўлиб жойлашади ва дарахт ширасини сўради, барглар тўкилади, ёш новдалари қурийди, ҳосилдорлик кескин камаяди. Тут дарахтини зарарлаганда барглар сарғайиб, ифлосланади ва ипак қуртини боқиш учун яроқсиз ҳолга келади. Чўзинчоқ овал шаклида усти оқ мум билан қопланган қурт-сўрувчи ҳашаротларининг қуртлар оиласига мансуб. Урғочиси 300 дан ортиқ оч сариқ рангли тухум қўяди. Совуқ тушиши билан урғочи қурт батамом ҳалок бўлади, тухум босқичида қишлайди. Совуққа чидамли тухумларни очиқ жойларга шамол учириб кетиши, ёмғир ювиши натижасида ҳалок бўлиши мумкин. Дарахт ёриқлари, пўстлоғи орасида, девор ва ғовак ёриқлари орасидаги тухумлар сақланиб қолади.

Комсток қурти тарқалмаган ҳудудларни ундан муҳофаза қилиш учун кўчатларни, ўсимлик маҳсулотларини киритиш ва чиқаришда "Ўсимликлар карантини" қонун-қоидаларига амал қилиши мақсадга мувофиқ.

Кураш чоралари қўлланилганда комсток қуртининг биологик кушандаси ҳамда кимёвий препаратлардан фойдаланилади.

М.САГАТОВА,
Шаҳар ўсимликлар карантини чегара пункти давлат нозири

Мактабгача таълим муассасаси ёшидаги болаларда идрок қилиш ҳисси ўткир бўлади. Болаликда кўрган, билган ва ҳис-ҳаяжон билан идрок этилган нарсалар бутун умр эсда сақланиб қолиши барчамизга маълум.

ТЎҒРИ ҲАРАКАТ ҚИЛИШ КЎНИКМАЛАРИ ШАКЛЛАНТИРИЛМОҚДА

"Ёшликда олинган билим – тошга ўйилган нақш кабидир" деб халқимиз бежизга айтишмаган. Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва содир бўлганда қандай ҳаракат қилишга ўргатишни болаларга кичик ёшидан чуқур ўргатиб, онгига сингдириб бориш фойдадан холи бўлмайди.

Тошкент шаҳридаги қатор туманларда ўтказилаётган қўмондонлик-штаб ўқув машқи муносабати билан туман ҳудудида жойлашган барча мактабгача таълим муассасаларида Фуқаро муҳофазаси соҳаси бўйича олиб борилаётган ишлар чуқур ўрганиб чиқилди ва бошқарма ходимлари томонидан амалий ва услубий ёрдам кўрсатилиб, 1,5 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларни 7-8 балли зилзила содир бўлганда эвакуация қилиш машқлари ўтказилмоқда. Ушбу тадбирларга шаҳар ҳудудида жойлашган барча мактаблар, мактабгача таълим муассасалари ва Фуқаро муҳофазаси хизматлари раҳбарлари қатнашмоқдалар. Ўтказилаётган машғулотлар Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармаси раҳбарияти томонидан фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш эҳтиёт чораларини кўриш, Фуқаро муҳофазаси тузилмалари сардорларини тайёргарликдан ўтказишни ва доимий тарзда муассасаларда амалий машғулотлар ўтказиб турилишини талаб этади.

Шундай экан, мактабгача таълим муассасаларида болалар иштирокида фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш қоидаларини маълум бир режа асосида кичкинтойларга ўргатиш, ҳар бир мактабгача таълим муассасасида белгиланган режа асосида амалий машқларни, яъни "Фуқаро муҳофазаси куни"ни ўтказиб турилиши мақсадга мувофиқ. Болалар учун содда, тушунарли ва аниқ расмлардан ташкил топган "Фуқаро муҳофазаси" бурчакларини ташкил этиш – ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир. Чунки дунёда содир бўлаётган турли кўринишдаги фавқулодда вазиятларда нобуд бўлаётган инсонларнинг 40 фоизи танг ҳолатда ўзини қандай тутиш кераклигини билмасликлари оқибатидадир.

Муассасаларда алоҳида Фуқаро муҳофазаси бурчагини ташкил этишда, фуқаро муҳофазасига оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар матнлари, фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш ифодаланган кўргазма-плакатлари, шахсий муҳофазаланиш асбоб-ускуналари ва улардан фойдаланиш қоидалари қайд этилган эслатмалар бўлиши нафақат тарбияланувчи болалар учун балки тарбиячилар учун ҳам катта аҳамиятга эга. Сабаби болаларга кўникма, билим ва фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилишни ўргатаётган тарбиячиларнинг ўзлари яхши билимга эга бўлишлари катта аҳамиятга эга.

Бола онги ва қалбини бежиз оппоқ қоғоз саҳифасига менгзашмайди. Зеро, ҳар қандай доғу нуқсондан холи бу беғубор вужудда дастлаб ота-она, сўнгра эса тарбиячи ва мураббийлар меҳри, эътибори ва бераётган билимига қараб, яхши-ёмон, чиройли-хунук, керак-нокерак одатлар шаклланиб боради. Бизнинг энг асосий мақсадимиз, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, уларни турли офатлар ва фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш ва бу каби вазиятлар содир бўлганда уларни тўғри ҳаракат қилишга болаликдан ўргатиб боришдир.

Азамат СУЮНОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси томонидан МЧЖ "BIOORGANIK" ҚКга 2005 йил 27 майда берилган кадастр рақами 10:06:01:03:03:0024, реестр рақами 6-159/2005 кадастр ҳужжати ҳамда кредит олиш учун 2005 йил 26 июндаги № 929-сонли маълумотнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **20 май** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 15-17, кундузи — 28-30 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **20 майда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади, ифлосланиши даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95; факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9224
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 555
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 10290 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 15.50
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ